

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИСТИТУТИ**

**ЭРОН – АФҒОН ФИЛОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ**

**Таълим жараёнида интерфаол  
усуллардан фойдаланиш**

**ТОШКЕНТ-2010**

## **Таълим жараёнида интерфаол усуллардан фойдаланиш**

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш, ўқитиш жараёнида юқори натижаларга олиб келади. Таълим усулларини ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман замонавий усуллар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишини таъминлайди. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда интерфаол усулларни қўллаш ва таълим олувчиларни оммавий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу усуллар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди.

Интерфаол усулларни қўллаш бўйича **умумий методик тавсиялар:**

1. Ишлаш учун жойни тайёрлаш. Аудиторияни шундай тайёрлаш керакки, бунда иштирокчилар кичик ёки катта гуруҳларда ишлаш учун қулай жойлашишлар зарур.
2. Жараён ва регламентга жиддий муносабатда бўлиш. Барча тингловчилар ҳар бир нуқтаи назарга сабрли бўлиб, сўз эркинлигини ҳурмат қилишлари керак.
3. Тингловчиларнинг гуруҳларга бўлинишига жиддий эътибор бериш.
4. Тингловчиларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада ишга жалб қилинган бўлиши керак.
5. Тингловчиларнинг машғулотга руҳий тайёргарлигига кўмаклашиш.
6. Интерфаол усуллар асосида машғулотлар ўтказилганда гуруҳда таълим олувчилар сони кўп бўлмаслиги керак. 4-6 кишидан иборат бўлган кичик гуруҳларда самарали иш олиб бориш мумкин.

## Таълим жараёнида қўлланадиган айрим интерфаол усуллар

**“Ақлий ҳужум”** усули-ғояларни ишлаб чиқиш усули. Қатнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар: уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар. “Ақлий ҳужум” қуйидаги қоидалар бўйича ўтказилади: -фикр ҳеч қандай чекланмаган ҳолда, иложи борида баландроқ овозда айтилиши лозим; -ҳар қандай фикрни айтиш мумкин, у қабул қилинади; -ғояларга тушунтириш берилмайди, улар вазифаларга бевосита боғлиқ ҳолда айтилади; -таклифлар бериш тўхтатилмагунча, айтилган ғояларни танқид ёки муҳокама қилишга йўл қўйилмайди.

Самарали ақлий ҳужум учун босқичлар: **1.**Иштирокчиларни мажбурий бўлмаган ҳолда ўтказинг. **2.**Фикрларни баён қилиш учун қоғоз ва доскани тайёрланг. **3.**Ақлий ҳужум иштирокчиларига муаммони етказиш керак. **4.** Иш тартибини аниқланг: **а)** фикрлар ташланганда уларни баҳоламанг **б)** доимий фикрлаш озодлиги **в)** қанча ақлли фикр кўп бўлса, шунча яхши **г)** “ушланг”, “тутинг” бошқаларнинг фикрларини ривожлантиринг **5.**Фикрлар тўғрисида суриштиринг ва тезда уларни ёзинг. **6.**Қоғоз варағи тўлдирилганда, уни муҳокама учун қўйинг. **7.**Ўз ғояларингизни қўшиб янги ғояни рағбатлантиринг. **8.**Бошқалар фикрини танқид қилиш ёки устидан кулиш керак эмас, кулгига йўл қўйманг.

Ақлий ҳужумнинг асосий кўринишларидан бири жуфтликдаги ақлий ҳужумдир. Агар иш далилий ахборотга боғлиқ бўлса, унда таълим олувчиларга далиллар рўйхатини тузиш таклифи берилади. Икки дақиқадан сўнг индивидуал ишдан кейин улар бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб муҳокама қиладилар ва ўзларининг рўйхатларини бирлаштирадилар.

**“Чархпалак”** технологияси-ушбу технология таълим олувчиларни ўтилган барча мавзуларни ёд олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичида уларни баҳолай олишга қаратилган. Ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирор-бир бўлими тугалланганда ўтилган мавзунини

ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш, ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган.

**Ўтказиш технологияси:** 1.Иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлиб олинади (шароитга қараб). 2.Машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан таништириш. 3.Гуруҳ иштирокчилари мустақил равишда тарқатма материаллардаги вазифани бажарадилар. 4.Ҳар бир гуруҳ иштирокчиси ўзи ишлаб чиққан тарқатма материалнинг ўнг бурчагига гуруҳ рақамини, чап бурчагига эса ўзининг бирор бир белгисини чизиб қўйиши керак. 5.Вазифа бажарилган тарқатма материаллар бошқа гуруҳларга тарқатилади. 6.Янги гуруҳ аъзолари берилган материалларни ўрганиб, унга ўз ўзгартиришларини киритадилар. 7.Тузатиш, ўзгартириш киритилган материаллар яна бир марта бошқа гуруҳларга узатилади (гуруҳлар сонига қараб). 8.Гуруҳлар материалларни бир-бирлари билан охириги алмашганларидан сўнг ҳар бир гуруҳ иштирокчиси ўзининг биринчи тўлдирган материалини (гуруҳ рақами ва ўзи қўйган белги асосида) танлаб оладилар. 9.Ҳар бир гуруҳ иштирокчиси тарқатма материалдаги ўзи белгилаган жавобларини бошқа гуруҳ иштирокчилари киритган тузатишлари билан таққослайдилар ва таҳлил қиладилар. 10.Таълим берувчи тарқатма материалда берилган вазифани ўқиб, гуруҳлар билан тўғри жавобни белгилайдилар. 11.Ҳар бир иштирокчи тўғри жавоб билан белгиланган жавоблар ўртасидаги фарқни аниқлаб, шунга мос баллни тўплайди ва ўз-ўзини баҳолайди.

**Биламан/билишни хоҳлайман/билиб олдим (Б/Бх/Б)-**бирор матн ёки мавзунинг интерфаол ўқиш-ўзлаштириш усуллари билан бири бўлиб, жадвал кўринишида бажарилади ва қуйидагича қўлланилади: таълим олувчиларга бирор мавзу эълон қилинади. Бу тўғрида уларга маълум бўлган ахборотларни жадвалнинг “Биламан” қисмига, мавзу бўйича яна қандай маълумотларни билишни хоҳлашса, уларни жадвалнинг “Билишни хоҳлайман” қисмига ёзадилар. Сўнгра, уларга мавзуга оид матн тарқатилади. Улар микрогуруҳлар таркибида матнни мустақил ўзлаштириб, жадвалнинг “Билдим” қисмини

тўлдирадilar. Ҳар бир гуруҳ сардори тузилган жадвалларни тақдим қилади. Жадвалнинг барча қисмлари таққосланади.

**“ФСМУ”** технологияси –ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс-мунозарлар ўтказишда ёки ўқув семинари якунида, бирор бир бўлим ўрганилгандан сўнг қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда таълим олувчиларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳам тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. **Ф**-фикрингизни баён этинг, **С**-фикрингиз баёнига бирор бир сабаб кўрсатинг, **М**-кўрсатилган сабабни исботловчи мисол келтиринг, **У**-фикрингизни умумлаштиринг

**“Давра суҳбати”**-аниқ иш тажрибасини ўрганиш, ахборот алмашиш каби фаолиятларни ўтказишда кўмаклашади. Давра суҳбатини икки хил шаклда ўтказиш мумкин: **1) Ёзма давра суҳбати**-ўзаро ҳамкорликда муаммо ёки ғоя-фикрларни самарали усулинитопишнинг усули. Аъзолар кўрилаётган у ёки бу масала юзасидан ўз ғояси ёки таклифини ёзади, сўнг ёзилган қоғозни ёнидаги аъзога узатади. Навбатдаги аъзо берилган ғоя ёки таклиф юзасидан мустақил билими ва қарашларига асосланган ҳолда тушунча ва изоҳларини қўшимча қилади ва навбатдаги аъзога узатади. Ҳар бир иштирокчи фикрларини ўзи танлаган рангли қалам билан ёзади. Бу ҳар бир иштирокчининг суҳбатда қатнашганлик даражасини яққол кўрсатади. Жараён то барча аъзолар ўрганилаётган масала юзасидан ўз билим ва муносабатлари асосида мустақил фикр ёки саволлари билан иштирок этиб бўлишларига қадар давом эттирилади. **2) Оғзаки давра суҳбати**-бу юқорида кўрсатилган усулга ўхшаш бўлиб, фақатгина оғзаки шаклда ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи навбат билан, ундан олдин таклиф этилган фикрларни қабул қилиб олиб, уни ривожлантиради.

**“Тақдимот”**. Тақдимотни муваффақиятли амалга оширишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар: **1.** Қайси масала юзасидан фикр юритмоқчи бўлсангиз, уни ҳар жиҳатдан мукамал ўрганинг. Уч аниқ вазифани амалга

ошириш асосида масала ҳар жиҳатдан самарали ёритилишига эришиш мумкин. А) Ёритиб бериладиган масаланинг асосий мазмун-моҳияти нимада? деган саволга жавоб топиш. Б) Ёритиб бериладиган масала юзасидан шахсий нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда калит сўзлари, тезислар, далилларни кема-кет тартибда белгилаш. В) Тақдимот ўтказилгандан сўнг, сизгип нисбатан аудиториянинг муносабати қандай бўлиши тўғрисида ўзига хаёлан савол билан мурожаат этиш. 2. Масала юзасидан ёритадиган материалларни тизимлаштириш: калит сўзлар, тезислар, далиллар учун қисқа, аниқ ва лўнда жумлалар тузиш. Ҳар бир жумлани қўллаб қувватловчи учта асосни танлаб, белгилаб олинг.-масалани ҳар томонлама ёритиб беришга қалбан ишонч уйғотиш; -нутқ сўзини жуда ҳам маънодор эпиграф билан бошлаш;-масалани мазмун-моҳиятини очиб берувчи, асосланган очик сўзларга эга бўлиш. 3. Тажрибадан ўтказиш асосида пухта таёргарлик кўриш. Тақдимот материалларини тизимлаштириб бўлгандан сўнг, қуйидаги жадвални таёргарлик кўриш учун ишлатиш: Масала номи. Устувор тамойиллар. Нуқтаи-назардан келиб чиққан ҳолда калит сўзлар. Қўллаб-қувватловчи асослар. Тарихий манбалар.

**“Бумеранг”.** Мазкур технология бир машғулот давомида ўқув материаллини чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан таълим олувчи ёки таълим берувчи ролида бўлиши, керакли баллини тўплашига имконият беради. Асосий тушунчалар қуйидагилар: Очик саволлар-бу саволлар муомала, сўзлашувни давом эттиришга имкон беради. Уларга қисқа, бир хил жавоб бериш мумкин эмас. Ёпиқ саволлар-бу саволлар олдиндан “ҳа” ёки “йўқ” типдаги тўғри, очик жавобларни беришни кўзда тутди. Кўндаланг сўроқ-бир-бирига гуруҳлаб берилувчи қисқа саволлар қатори бўлиб, бу ўзига хос ахборотлар излаш ҳамда далилларни, оппонентлар позициясини аниқлаш ва муайян

қарорлар қабул қилиш учун ажойиб имкониятдир.Кўндаланг сўроқ пайтида мунозарага киришиш мумкин эмас.Бу вақтда фақат саволлар берилади, мунозарага киришилмайди.

**“Синквейн”** усули-ўрганилаётган материални тўлақонли англаш учун қўлланилади. Синквейн-французча беш қаторли ўзига хос, қофиясиз шеър бўлиб, унда ўрганилаётган тушунча (ҳодиса, воқеа, мавзу) тўғрисидаги ахборот ёзилган ҳолда ўқув сўзи турли вариантларда ва турли нуқтаи назар орқали ифодаланади. Синквейн тузиш қоидаси қуйидагича:-биринчи қаторда мавзу (топшириқ) бир сўз, одатда от сўз туркуми билан ифодаланади.(ким? нима?). –иккинчи қаторга мавзуга оид иккита сифат ёзилади.(қандай? қанақа).-учинчи қаторга мавзу доирасидаги ҳатти-ҳаракат учта сўз (фёъл) билан ифодаланади.-тўртинчи қаторга мавзуга нисбатан тасаввур англатувчи ва тўрта сўздан иборат бўлганфикр ёзилади.-охирги қаторга мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга ўхшаш бўлган битта сўз (синоним) ёзилади.

**“Кластер”** (ғунча, боғлам) усули таълим олувчиларга ихтиёрий муаммолар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Бу турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. Кластер усули аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятини бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.Усулдан таълим олувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Бунда илгпри сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имконияти яратилади.Кластер усулидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади:

-ниманики ўйлаган бўлсангиз шунини қоғозга ёзиш; -фикрингизнинг сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзиб бориш;-сўзлардаги имло хатолар ва бошқа жиҳатларга эътибор бермаслик; -белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтамаслик;-агар маълум бир муддат бирор бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсани расмини чиза

бошлаш, бу ҳаракатни янги ғоя туғулгунига қадар давом эттириш;-муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда ғоялар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатишга ҳаракат қилиш; -ғоялар йиғиндисининг сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламаслик.

**“Т”-чизма**-маълум бир масалани икки томонлама таққослаш асосида таҳлил қилиш усулидир.Жуфт (ижобий/салбий; ҳа/йўқ; рози/қарши каби) жавоб ёки таққослашларни қайд этувчи серқирра ёзма ишни ташкил этишда кўмаклашувчи усулдир.

| Ўхшаш жиҳатлар | Фарқли жиҳатлар |
|----------------|-----------------|
|                |                 |

### **Форс тили дарсларида қўлланиши тавсия этиладиган интерфаол усуллар**

**1.Грамматикани ўргатишда қуйидаги усуллардан фойдаланиш тавсия этилади: Биламан/билишни хоҳлайман/билиб олдим (Б/БХ/Б).**

Масалан,

1. Форс тилида изофа мавзуси ўтилиши талабаларга эълон қилинади.
2. Талабалар мавзу бўйича жадвалнинг биринчи (биламан) ва ииккинчи (билишни хоҳлайман) деб номланган қисмларини тўлдирадилар.
3. Сўнгра мавзуга оид материал тарқатилади.Тарқатма материал ўзаро рақиб гуруҳлар томонидан ўқиб ўрганилгандан кейин жадвалнинг учинчи (билиб олдим) банди тўлдирилади.
4. Гуруҳлар томонидан тўлдирилган жадваллар ўзаро таққосланади.

| <u>Биламан</u>                                           | <u>билишни хоҳлайман</u>                  | <u>билиб олдим</u>                                                              |
|----------------------------------------------------------|-------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------|
| аниқловчи-аниқланмиш,<br>қаратқич-қаралмиш<br>муносабати | -изофада сўз тартиби<br>-изофанинг имлоси | -Форс тилида сўз тартиби<br>нинг ўзбек тилига нисбатан<br>қарама-қарши эканлиги |
| -                                                        | -                                         | -изофанинг урғусиз е                                                            |
| -                                                        | -                                         | товуши орқали боғланиши                                                         |
| -                                                        | -                                         | -                                                                               |

### **Б/БХ/Б усулининг афзалликлари:**

1. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчанликни олиб бориш имконини беради.
2. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Шунингдек, грамматик мавзунини ўзлаштиришда “ФСМУ” ва “тақдимот” каби усуллардан фойдаланиш ҳам қўл келади.

**2. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш.** (грамматик мавзу/машқлар/таржима) да қуйидаги усулдан фойдаланиш тавсия этилади: “Ақлий ҳужум”, “кластер” ва “чархпалак” технологияси.

Грамматик мавзунини ўзлаштиришда “кластер” усулидан унумли фойдаланишимиз мумкин. Масалан, талабаларга ҳозирги-келаси замон шарт истак майли (аорист) мавзуси аввалги дарсда ўтилган. Ушбу мавзунини “кластер” орқали қуйидагича мустаҳкамлашимиз мумкин.

1. Доскага маълум бир шакл чизишиб, унга мавзу номи ёзилади.
2. Сўнгра мавзу номидан келиб чиққан ҳолда талабалар томонидан фикрлар ривожлантирилади. Масалан, аористнинг ясалиши ва ишлатилиш ўринлари алоҳида доираларга ёзилади.
3. Сўнгра аористнинг ясалиши ва ишлатилиш ўринлари алоҳида тармоқ бўйича янги доирачаларда акс эттирилади.
4. Жараён фикрлар якунига етгунга қадар давом этади.

**“Кластер” усулининг афзалликлари:** маълумотлар харитасини тузиш омили, билимлар фаоллашувини таъминлайди, мавзу бўйича фикрлаш жараёнида янгича ғоя тақдим этишга, шунингдек мавзуга очиқ ва эркин кириб боришга ёрдам беради.



### 3. Луғат бирликларини ўзлаштириш

**А) ёдлаш** (“бумеранг”, “ақлий ҳужум”)

**Б) ўзбек тилидаги эквивалентлар** (“менимча тўғри топдим” усули, “ёдда сақланг”)

**В) қўллаш** (“ФСМУ”, “изланиш” усули)

“Менимча тўғри топдим” усули луғат бирликлари талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилганини аниқлашда самарали ҳисобланади.

| 1          | 2      | 3          | 4      | Талабанинг жавоби |   |  | Тўғри жавоб | Жавоб учун ажратилган балл |
|------------|--------|------------|--------|-------------------|---|--|-------------|----------------------------|
| <b>A</b> → | Ўқимоқ | <b>A</b> → | غذا    | A                 | = |  |             |                            |
| <b>B</b>   | Китоб  | <b>B</b>   | شعر    | B                 | = |  |             |                            |
| <b>C</b>   | Кийим  | <b>C</b>   | بازی   | C                 | = |  |             |                            |
| <b>D</b>   | Овқат  | <b>D</b>   | خواندن | D                 | = |  |             |                            |
| <b>E</b>   | Ёзмоқ  | <b>E</b>   | شعبه   | E                 | = |  |             |                            |
| <b>F</b>   | Шеър   | <b>F</b>   | مجله   | F                 | = |  |             |                            |
| <b>G</b>   | Бўлим  | <b>G</b>   | خندیدن | G                 | = |  |             |                            |
| <b>H</b>   | Журнал | <b>H</b>   | پوشاک  | H                 | = |  |             |                            |
| <b>I</b>   | Ўйин   | <b>I</b>   | کتاب   | I                 | = |  |             |                            |
| <b>J</b>   | Кулмоқ | <b>J</b>   | نوشتن  | J                 | = |  |             |                            |

Ўйин қоидаси: 1 рақами остидаги катакларда сўзлар кетма-кетлигини белгиловчи ҳарфлар жойлашган. 2 рақами остидаги катакларда сўзлар берилган. 3 рақами остидаги катакларда форс тилидаги сўзлар кетма-кетлигини белгиловчи ҳарфлар жойлашган. 4 рақами остидаги катакларда сўзларнинг таржималари берилган. Вазифа: берилган сўзлар ва уларнинг таржималарини аниқлаш. Бунда сўзлар уларнинг таржималари билан ёзилган сонлар кема-кетлигини белгиловчи ҳарфлар талабанингжавоби деб ёзилган катакларга 2=2 қоида­сига амал қилган ҳолда қўйилади. Иш ниҳоясига етгач

ўқитувчи тўғрижавобни айтади. Тўғри топилган жавоб учун 0.1 (0.3, 0.4, 0.5) балл, нотўғри жавоб учун 0 балл белгиланиб, талаба эса бу балларни жавоб учун ажратилган балл графасига қўйиб боради. Талаба ишни ниҳоясига етказгач баллар умумлаштирилади. Талаба барча жавобларни тўғри топса 1 (ёки 3, 4, 5) баллни қўлга киритади.

**4. Матн ўқиш, таржима қилиш ва баён қилишда “синквейн” усулидан** фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, **در رستوران دانشگاه** номли матн талабаларга ўқиш учун берилади. Матн ўқиб бўлингач “синквейн” усулига кўра сўзлар кетма-кетлигини шакллантириш вазифаси топширилади.

1. رستوران.

2. ارزان خوشمزه

3. خوردن سفارش دادن انتخاب نمودن.

4. غذاهاي گوناگون و خوشمزه و تهيه مي کنند.

5. ناهارخوري

Янги матн билан ишлаётганда **“тоифали жадвал”** усулидан ҳам фойдаланишимиз мумкин. Бунда матнга оид сўзлар маълумотлар жадвалида тегишли тоифалар бўйича тақсимланади.

| Матндан таниш<br>лексикани ажратиш | Матндан нотаниш<br>лексикани ажратиш | Матндан лексик изоҳга<br>оид сўзларни ажратиш |
|------------------------------------|--------------------------------------|-----------------------------------------------|
|                                    |                                      |                                               |

**“Тоифали жадвал”** усулининг **афзалликлари:** ажратилган белгиларга кўра олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди, тизимли мушоҳада қилишни, маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

## 5.Маърузалар

**А) Кириш маърузаси** (“тақдимот”, “давра суҳбати”)

**Б) Мавзуни ёритувчи маъруза** (“ақлий ҳужум”, б/бх/б)

**В) Муаммоли маъруза** (“ФСМУ” технологияси,)

Кириш маърузасида “тақдимот” ва “давра суҳбати” усулларида унумли фойдаланган ҳолда қуйидагиларни баён этиш мумкин: -талабаларни фаннинг аҳамияти, вазифаси ва унинг тутган ўрни билан таништириш; - тузилмага қисқача шарҳ бериш, фанни ва амалиёт ривожланишини, бунда машҳур олимларнинг номларини айтиб, бу соҳада эришилган ютуқларни ёритиб бериш; -ушбу билимлар соҳасидаги тадқиқот истиқболлари йўналишларини баён этиш; -фан доирасида услубий ва ташкилий ишлар хусусиятларини ёритиш; -тавсия этилаётган ўқув услубий адабиётлар таҳлилини амалга ошириш; -баҳолаш шакллари ва вақтини аниқлаш.

Форс тили дарсининг кириш маърузасида талабаларга қуйидаги саволлар билан мурожаат этган ҳолда “ақлий ҳужум” усулидан ҳам фойдаланишимиз мумкин: 1. Форс тили қайси давлатнинг расмий ва адабий тили ҳисобланади? 2.Форс адабий тилининг таянч диалектини биласизми? 3.Форс тили қайси тил оиласи ва гуруҳига мансуб? 4.Форс тилининг тарихий тараққиёт йўли нечта асосий даврга бўлинади? 5.Форс тилида яратилган жаҳон адабиётининг қандай ноёб дурдоналарини биласиз? ва бошқалар.

Мавзуни ёритувчи маърузада таълим жараёнидаги кўплаб интерфаол усуллардан фойдалансак бўлади. Шулардан бири **“Т” чизма** усулидир.Масалан, миқдор сонлар мавзусини бошлашдан олдин миқдор сўзи доскага ёзилади ва талабалардан миқдор деганда нимани тушунишлари сўралади. Айтилган ҳар қандай изоҳ рад этилмасдан ёзиб борилади.

| Миқдор | Сон |
|--------|-----|
|--------|-----|

|              |           |
|--------------|-----------|
| Кўп          | Рақам     |
| Оз           | Нумератив |
| Анча         | Гўшт      |
| Предмет сони | Одам      |
| жам          | Ҳайвон    |

Кейин доскага **миқдор сон** бирикмаси ёзилади ва тушунчалар умулаштирилади. Буни биз қуйидаги мисол намунасида кўришимиз мумкин:

### **Миқдор сон**

Предметнинг миқдори ва саноғини англатувчи рақам

Миқдор сон борасида маълумотга эга бўлганимиздан сўнг форс тилидаги миқдор сонларни классификациялаш усули орқали ўрганишни бошлаймиз ва уларни баён қиламиз.

Муаммоли маъруза номи талабаларга эълон қилинади. Ҳамда муаммоли маърузани таҳлил қилиш жараёнида **ФСМУ** технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёнида дарслар интерфаол усуллар асосида ташкил этилса, таълим олувчиларнинг машғулот давомида фаоллиги ошади, мустақил фикрлаш қобилиятлари ривожланади, ижодий тафаккури кучаяди, муаммолар ечимининг энг мақбулини танлаш фаолияти мустаҳкамланади, айниқса илм олишга бўлган интилиш янада ортади.

**Тузувчилар: доц. Воҳидов А.А.**

**ўқит. Нуриддинов Н.Н.**